

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ШАРИБАЕВ НОСИР ЮСУПЖАНОВИЧ**

**ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАРДАГИ ЭНЕРГЕТИК ХОЛАТЛАР ЗИЧЛИГИ  
СПЕКТРЛАРИНИ ХАРОРАТГА БОҒЛИҚЛИГИНИ  
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2017**

**Физика-математика фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора наук (DSc) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc) on physical-  
mathematical sciences**

**Шарибаев Носир Юсупжанович**

Яримўтказгичларда энергетик ҳолатларнинг зичлиги спектрларини  
хароратга боғланишини моделлаштириш..... 3

**Шарибаев Носир Юсупжанович**

Моделирование температурной зависимости спектров плотности  
энергетических состояний в полупроводниках..... 27

**Sharibayev Nosir Yusupjanovich**

Modeling of the temperature dependence of the spectra of the density of  
energy states in semiconductors ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ШАРИБАЕВ НОСИР ЮСУПЖАНОВИЧ**

**ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАРДАГИ ЭНЕРГЕТИК ХОЛАТЛАР ЗИЧЛИГИ  
СПЕКТРЛАРИНИ ХАРОРАТГА БОҒЛИҚЛИГИНИ  
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2017**

**Физика-математика фанлари бўйича фан доктори (Doctor of science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2. DSc/FM54 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (fti-kengash.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Гулямов Гафур</b> физика-математика фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Мамадалимов Абдугафур Тешабаевич</b> физика-математика фанлари доктори, академик <b>Расулов Рустам Явқачович</b> физика-математика фанлари доктори профессор <b>Аюханов Рашид Ахметович</b> физика-математика фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	Тошкент ахборот технологиялари университет

Диссертация химояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2б-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91; e-mail: lutp@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали.).

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2б-уй. Физика-техника институти. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**С.Л. Лутпуллаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

**А.В. Каримов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор

**С.А. Бахрамов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган физик электроника соҳасида муҳим физик муаммолардан бири, ташқи таъсир натижасида яримўтказгич характеристикалари ўзгариши кузатиладиган жараёнлар механизмларини аниқлаш имкониятларини ва микроэлектроника, наноэлектроника асбоблари учун маълум физик хоссаларга эга бўлган материалларни ишлаб чиқишдан иборат. Шу нуқтаи назардан яримўтказгичлардаги энергетик ҳолатлар зичлиги спектрларини хароратга боҳлиқлигини тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда яримўтказгичли структураларнинг динамик характеристикаларига хароратнинг таъсирини ўрганишда юзага келувчи энергетик ҳолатлар зичлиги спектри табиатини очиб берувчи эффектларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада жараённи математик моделини тузиш тадқиқотчилар учун кенг имкониятлар эшигини очиб берувчи, вақт ва маблағларни тежовчи омиллардан бири ҳисобланади. Жараённи назарий тушунтириб берувчи математик моделларини тузиш ва бу йўл билан натижалар олиш, юқоридаги қўйилган масалаларни ечишда ва тадқиқотларни чуқур олиб боришда ҳамда, жараён бўйича назарий ва амалий билимларни оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда долзаб масала ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Республикамиз илм-фан соҳасида, хусусан яримўтказгичлар физикасининг ривожланишига, жумладан, ташқи таъсирга сезувчанлиги юқори бўлган, тензосезгир, фотосезгир ва термосезгир яримўтказгичли структураларни олиш технологияларига катта эътибор қаратилди. Бу йўналишда чуқур энергетик сатҳлар ҳосил қилувчи аралашмали яримўтказгич материаллар ва ташқи таъсирга сезувчанлиги юқори бўлган юпқа яримўтказгичли пардалар олинди, фотоўтказувчанлик эффектларини, тор соҳали ва қатламли материаллар асосида қуёш элементларини олиш бўйича сезиларли натижалар олинди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосида яримўтказгичлар физикаси соҳасидаги фундаментал изланишлар натижасида янги технологияларни жорий этиш орқари микроэлектроника соҳасини янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4997-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ – 1442-сон «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг Ф2 «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналишига доир бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи**<sup>1</sup>. Яримўтказгичлар энергерик ҳолатлари зичлиги, тақиқланган зонасининг ҳароратга боғлиқлигини тадқиқотлари билан дунё мамлакатлари етакчи илмий марказлари, университетлари ва таълим муассасаларида шуғулланиб келинмоқда, жумладан, Макс-Планк-Институти (Германия Федерал Республикаси), А.Ф. Иоффе номидаги Физико-техника институти (Санкт-Петербург, Россия), Беларус давлат информатика ва радиотехника университети (Белоруссия Республикаси), Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон Республикаси)да олиб борилмоқда.

МДЯ структурлар сирт ҳолатлари зичлиги спектрини аниқлаш бўйича бир қатор илмий натижалар олинган жумладан, Лаплас тескари акслантириш усулидан фойдаланиб дискрет ҳолатларни аниқлашда юқори аниқликка эришилган (Белорус давлат информатика ва радиотехника университети, Беларуссия);  $FeIn_2S_4$  монокристалл структуранинг  $T=20-300K$  да тақиқланган зонасининг кенглигини ҳароратга боғлиқлик спектри аниқланган, спектрга эффектив массани таъсири ўрганилган (А.Ф. Иоффе номидаги Физико-техника институти, Россия);  $Si_xGe_{1-x}$  қоришма тадқиқ қилиниш борасида турли  $x$  ( $0 < x < 1$ ) учун қоришмаларнинг тақиқланган зонаси кенглигини концентрацияга боғлиқлиги спектри аниқланган (Макс-Планк-Институти, Германия); кучли лигерлаш билан  $Si < B, Mn >$ ,  $Si$  асосида тақиқланган зонаси ўзгартирилган янги материал олинган (Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон).

Ҳозирги кунга келиб куйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: квазибирўлчамли электрон газнинг ҳолатлар зичлиги ва энергетик сатҳларига ҳароратнинг таъсирини аниқлаш; кристалл панжара тебраниши ва энергетик сатҳларнинг ҳароратга ва киришмаларнинг концентрациясига боғлиқлигини аниқлаш; лигерланган кремнийдаги квант ўлчамли эффектлар ҳамда уларнинг р-п-структураларидаги заряд ташувчилар генерация ва рекомбинация жараёнларига таъсирини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** К. Зиглер, Е.Кляусман томонидан  $SiO_2-Si$  сирт чегарасидаги сирт энергетик ҳолатлари зичлиги аниқланган. Сирт энергетик ҳолатлари зичлиги спектрининг тўлиқ акс эттирувчи сурьати олинган. Тажриба хона ҳароратида амалга оширилдан, хона ҳароратида термик кенгайиш сезиларли бўлади, шунинг учун дискрет ҳолатларни аниқлаш қийинчилик туғдирган. М.Б.Шалимова ва Е.Г.Бесчастная томонидан  $LaF_3-n-Ge$  асосида МДЯ – структура (ВФХ- методи) тақиқланган зона кенлигидаги энергия бўйича сирт ҳолатлари зичлигини спектри  $T=300$  К да аниқланган. Паст ҳароратда натижа олиб бўлмаган. М.Н.Левин

<sup>1</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-изланишлар шарҳи: The National Labs: Science in an American System, 1954-1978, 2008-2012, ISBN0-646-00948-7: Scientific Research Publishing Inc; <http://www.semiconductors.com>; ва бошқа манбаалар.

томонодан экспериментда олинган катталиклардан назарий ёндашиш билан Лапласнинг тескари акслантириш методи ёрдамида амалга оширилган сирт ҳолатлар зичлиги спектрини олиш аниқлигини оширувчи ДЛТС-Лаплас методи ишлаб чиқилган. Яримўтказгич тақиқланган зона кенглигини ҳароратга боғлиқлигини аниқлаш А.М.Емельянов томонидан четдаги люминесценция спектри бўйича бажарилган. Г.Мак Фарлане ва Т.Мак Леан оптик методлар ёрдамида  $Ge$  учун тақиқланган зона кенглигини ҳароратга боғлиқлигини аниқланган.

Ўзбекистонда бизнинг олимларимиз томонидан МДЯ – структурада яримўтказгич-диэлектрик соҳасидани сирт ҳолатлари зичлиги спектри аниқлаш бўйича турли экспериментлар ўтказилган. Яримўтказгич материалларида тақиқланган зонаси кенглигини аниқлаш борасида кўп экспериментлар ўтказилиб қатор муаммолар ўз ечимини топган. Турли элементлар билан кучли лигерлаш ёрдамида кремний яримўтказгич материални тақиқланган зонаси кенглигини ўзгартириш имкониятлари экспериментларда кўрсатиб берилган. Турли концентрацияда  $Si_xGe_{1-x}$  қоришмалар тайёланиб уларнинг физик хусусиятлари ўрганилган. Наманган муҳандислик-қурилиш ва Наманган муҳандислик-технология институтлари физика кафедраларида яримўтказгичлардаги ҳолатлар зичлиги спектрларини табиатини ўрганиш масаласида назарий тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда. Олинган натижалар асосида давлат фундаментал тадқиқотлар лойиҳалари бажарилмоқда.

МДЯ- структурада яримўтказгич-диэлектрик соҳасидаги сирт ҳолатлари зичлиги спектри аниқлаш бўйича тажрибалар хона ҳароратида ВМХ ва ДЛТС методлари ёрдамида амалга оширилган. Бу метод билан ишланганда энергетик ҳолатлар зичлиги спектрини паст ҳароратдаги табиатини ўрганиш муаммоли бўлади. Юқори ҳароратда олинган эксперимент натижаларидан фойдаланиб назарий ёндашиш орқали дискрет ҳолатларни аниқлаш ва бу билан ўлчашлардаги аниқлилик даражасини ошириш мақсадга мувофиқдир. Энергетик ҳолатлари зичлигини спектри тадқиқ қилишда уни ҳароратга боғланмаган, бу билан энергетик спектрларни ҳароратга боғлиқ кенгайтириш улушлари аниқланмаган. Яримўтказгичлардаги энергетик спектрларни ҳароратга боғлиқлигини ўрганиш билан материал тақиқланган зонасидаги дискрет ҳолатлар зичлигини аниқлашда хатоликни камайтириши, ташқи таъсир натижасида материал тақиқланган зонаси кенглигини ўзгариши аниқлаши каби қатор муаммолари ечилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик технология институти ва Наманган муҳандислик педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф2-21 «Яримўтказгич-диэлектрик чегарасидаги сирт ҳолатлар зичлигини аниқлашнинг математик моделлаштириш» (2012-2016 йй.); Ф2-74 «Яримўтказгичли қоришмалар ва кучли лигерланган яримўтказгичлар энергетик спектрларини тадқиқ қилиш» (2017-2021 йй.) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** яримўтказгичларнинг энергетик ҳолатлар зичлигини ҳароратга боғлиқлигини математик моделлаштириш орқали энергетик спектрларини қуришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

яримўтказгичлардаги электронларнинг энергетик ўтиш жараёнига мувоzanат статистикасини тадбиқ қилиш;

яримўтказгич тақиқланган ва тақиқланмаган зоналари спектрларини математик моделлаштириш;

энергетик спектрлари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда янги типдаги яримўтказгич материаллар учун модел ишлаб чиқиш.

яримўтказгич материалларининг характеристикаларини ҳароратга боғлиқ ўзгаришини яратилган математик модел ёрдамида кўрсатиш услубини ишлаб чиқиш;

назарий олинган ҳолатлар зичлиги спектрларини ўзгариши бўйича натижаларни эксперимент натижалари билан таққослаш;

яратилган математик модел ёрдамида энергетик спектрлари ўзгариши ҳисобидан янги типдаги яримўтказгич материалларини олиш имкониятини кўрсатиш;

**Тадқиқотнинг объекти** яримўтказгичлардаги ўтиш статистик жараёнлари ва  $Si$ ,  $Ge$  ва  $Si_xGe_{1-x}$  қоришмалар энергетик спектрлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** яримўтказгичлардаги энергетик ҳолатлар зичлиги спектри, яримўтказгич тақиқланган зона кенглигини ҳароратга боғлиқлиги ва уларнинг аниқлаш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қўйилган масалани ечишда назарий ҳисоб-китоб ва электрон ҳолатлари зичлигини ҳароратга боғлиқлиги жараёнларни компьютерли моделлаштириш усуллардан фойдаланилган

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** диссертация иши илмий янгиликлари қуйидагилар:

энергетик ҳолатлар зичлиги спектрини ҳарорат ва энергияга боғлайдиган  $GN(E, E_0, T)$ -дельта-функцияли ечими топилган;

яратилган математик модел ёрдамида эксперимент натижаларини қайта ишлаб, яримўтказгичлардаги ҳолатлар зичлигининг спектрларини тасдиқловчи янги услуб ишлаб чиқилган;

кучли лигерлаш яримўтказгич энергетик ҳолатлар спектрини ўзгартириши ва шу билан тақиқланган зонаси ўзгаришини тушунтирадиган математик модел топилган;

кучли лигерлаш ёрдамида энергетик ҳолатлар спектри ўзгаргариши асосида янги хусусиятли яримўтказгич материаллар олишни назарий жиҳатдан башорат қилиш имконияти очиб берилган;

$Si_xGe_{1-x}$  қоришма тақиқланган зона кенглигини ҳарорат ва концентрация билан боғлайдиган математик модел яратилган;

$Si_xGe_{1-x}$  қоришма тақиқланган зона кенглигини ҳароратга боғлиқлиги спектрини яратилган математик модел ёрдамида қуриш услуби ишлаб чиқилган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Кучли лигерлаш ёрдамида, янги типдаги яримўтказгич материалларни олишда, уларнинг энергетик спектри ўзгаргаришини таклиф этилган математик модел ёрдамида аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

Дискрет ҳолатлар зичлигини кенг ҳарорат интервалларида аниқлаш услуги ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишончли замонавий тадқиқот услубларидан фойдаланганлик, тадқиқот объектини тўғри танланганлиги, математик келтириб чиқаришлар қатъийлиги, назарий олинган натижаларни етакчи мутахассислар томонидан олинган эксперимент натижалари билан солиштириш қониқарлилиги ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти энергетик ҳолатлар спектрини ҳароратга боғлиқлигини тадқиқ қилиш натижаларидан янги типдаги ташқи таъсирга ўта сезувчан бўлган яримўтказгич материалларини олишни назарий жиҳатдан башорат қилиш мумкин бўлади. Тадқиқотлар учун таклиф этилган модель яримўтказгичларни материалларда характеристикаларини ўзгартиришини назарий жиҳатдан тушунтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, кучли лигерланган яримўтказгич ва яримўтказгичли қоришмаларни таклиф этилган модель тадқиқоти натижалари сезгирлиги юқори бўлган яримўтказгичлар яратилишига ёрдам баради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Яримўтказгичли материалларда термодинамик энергетик ҳолатлар зичлигини ҳароратга боғлиқлиги асосида:

яримўтказгичли қоришмаларда тақиқланган зона кенглигини аниқлаш математик модели Мексика Миллий политехника институти «Transporte Mono- у Bipolar en Estructuras Semiconductoras» мавзудаги лойиҳасида  $Si_xGe_{1-x}$  қоришмалар тақиқланган зона кенглигини аниқлашда қўлланилган (Мексика Миллий политехника институтининг 2017 йил 15 октябрдаги 6171-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш  $Si_{0.15}Ge_{0.85}$  ва  $Si_{0.2}Ge_{0.8}$  яримўтказгичли қоришмаларнинг тақиқланган зоналари кенглигини аниқлаш имконини берган;

термодинамик энергетик ҳолатлар спектрини ҳароратга боғлиқлигини ҳисоблаш математик модели Россия фундаментал тадқиқотлар политехника институти «Светоиндуцированные эффекты в асимметричных наноструктурах» мавзудаги лойиҳасида яримўтказгичли бирикмаларда тақиқланган зонасидаги дискрет ҳолатлар энергетик ўрнини аниқлашда қўлланилган. (РФ ФА нинг А. В. Ржанов номидаги яримўтказгичлар физикаси институти Сибирь бўлими 2017 йил 25 сентябрдаги 15307-46-2433-сон маълумотномаси) Илмий натижаларни қўллаш яримўтказгичли бирикмалар тақиқланган зонасидаги ҳолатларни аниқлаш хатолиги 0,001 эВ гача тушириш имконини берган;

кучли лигерланган яримўтказгичларда тақиқланган зона кенглигини концентрацияга ва ҳароратга боғлиқлиги математик модели РФ ФА ФДИМ

Доғистон Физика институтида кучли лигерланган яримўтказгичларда тақиқланган зона кенглигини концентрацияга нисбатан ўзгаришини хисоблашда қўлланилган (РФ ФА ФДИМ Доғистон Физика институтининг 2017 йил 16 октябрдаги 17241/226-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш кучли лигерланган  $Si<B,S>$  ва  $Si<B,Mn>$  яримўтказгичлар тақиқланган зона кенглигини ҳароратга боғлиқлиги спектри 77-300 К ҳарорат оралиғида назарий аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та ҳалқаро ва 8 та республика миқёсидаги илмий –амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 180 бет, ичида 46 расм ва 6 жадвалдан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва пред-метлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Яримўтказгич энергетик ҳолатлар зичлиги ва энергетик спектрларини ҳароратга боғлиқлиги**» деб номланган биринчи бобида кўриб чиқилган адабиётлар асосида муаммолар ва яримўтказгичларда энергетик спектрларни ҳароратга боғлиқлигини тадқиқ қилиш тенденцияси ҳолати таҳлил қилинади. Мавжуд маълумотларнинг назарий ва экспериментал таҳлили натижасида вазифаларнинг қўйилиши шакллантирилган.

Диссертациянинг “**Энергетик ҳолатлар зичлиги спектрларини ҳароратга боғлиқлиги математик модели ва дискрет ҳолатларни аниқлаш**” деб номланган иккинчи бобида яримўтказгичларда заряд ташувчилар генерацион-рекамбинацион жараёнлар статистик физикадаги Шокли-Рида-Холл статистикаси нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган. Идеал модель функцияси

$$\rho(t) = 1 - \exp\left[-\frac{t}{\tau(E)}\right] \quad (1)$$

$t$  вақт ичида  $E_I$  энергетик сатҳгача ионизацияланиш жараёнини белгилайди бунда, барча энергияси  $E_I$  дан катта бўлган электронлар ўтказувчанлик зонасига генерацияланган қолган электронлар энергиялари  $E_I$  дан кичик бўлганлари ўз жойларида қолишади. Келтирилган формула (1) зинасимон функция.  $E$  энергияга кескин боғлиқ бўлган электронни яшаш вақтини аниқловчи  $\tau(E)$  куйидаги кўринишда келтирилган.

$$\tau(t) = \tau_0 \exp\left(\frac{E}{kT}\right) \quad (2)$$

бунда:  $\tau_0 = 1/(\gamma_n N_c)$ ,  $k$ -Больцман доимийси,  $T$ -абсолют ҳарорат. (1) ва (2) дан куйидаги келиб чиқади:

$$\rho(E_0, E, T) = 1 - \exp\left[-\exp\left(\frac{E - E_0}{kT}\right)\right] \quad (3)$$

формуладаги  $E_0$  куйидагича

$$E_0(t, T) = kT \ln\left(\frac{t}{\tau_0}\right) \quad (4)$$

ва бу шундай  $E_0$  энергияки, барча энергияси  $E_0$  дан катта бўлган электронлар генерацияланган. Келтирилган ёзувда эътибога лойиқ томони шуки,  $E_0$  катталиқ ҳарорат ва электронларнинг генерацияланиш вақтга боғлиқдир. Агар шу вақт параметрига идеал қарайдиган бўлсак, у ҳолда ҳар бир  $T$  –

харорат параметрига мос равишда  $t$  вақт параметрини танласак  $E_0$  катталикини хароратга боғлиқ бўлмаган энергияни белгиловчи алоҳида параметр деб ҳисоблаш мумкин бўлади.  $E$ -электрон энергияси, шу энергияли сатҳни электрон билан тўлиши.  $k$ - Больцман доимийси,  $T$ -абсолют харорат.

Зинасимон функция (3) хароратга боғлиқ. Зинасимон функциядан аргумент бўйича олинган математик ҳосила дельта функцияни беради. Статистик физикадан маълум бўлган Дирак дельта – функцияси энегетик сатҳни мавжудлигини аниқлаб барадади. Худди шу каби функция (3) дан  $E_0$  параметр бўйича олинган ҳосила

$$GN(E_0, E, T) = \frac{\partial \rho(E_0, E, T)}{\partial E_0} = \frac{1}{kT} \exp \left[ \frac{E - E_0}{kT} - \exp \left( \frac{E - E_0}{kT} \right) \right] \quad (5)$$

ҳолатида дельта функция бўлади ва энегетик сатҳни мавжудлигини аниқлаб барадади.  $E_0$  энегетик сатҳдан ионланишиб  $E$  энегетик сатҳни электрон билан тўлиши.

Зоналар четидаги электронлар концентрациясини аниқлаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

$$n(E_f, T) = 2 \int_{E_c}^{\infty} N_c (E - E_c)^{\frac{1}{2}} f(E, E_f, T) dE \quad (6)$$

$$p(E_f, T) = 2 \int_{-\infty}^{E_v} N_v (E_v - E)^{\frac{1}{2}} f(E, E_f, T) dE \quad (7)$$

бунда  $f(E, T)$  Ферми – Дирака функцияси электронни  $E$  энергияли квант сатҳда бўлишлик эҳтимоллигини аниқловчи қуйидаги ёзув билан белгиланади:

$$f(E, E_f, T) = \frac{1}{1 + \exp \left( \frac{E - E_f}{kT} \right)} \quad (8)$$

Эффектив ҳолатлар зичлиги мос равишда:

$$N_c = 2 \left( \frac{2\pi m_p kT}{h^2} \right)^{\frac{3}{2}}, \quad N_v = 2 \left( \frac{2\pi m_v kT}{h^2} \right)^{\frac{3}{2}}$$

Интегрални ҳисоблашда классик адабиётларда ўзгарувчиларни алмаштириш йўли билан интеграл остидагидаги  $f(E, T)$  функцияни Дирак дельта – функциясига келтирилган, функция интегрални бирга тенглигидан фойдаланилган. (5) ва (8) зинасимон функциялар хусусиятларини таққослаш билан уларни алмаштириш имконияти бор эканлигига ҳулоса қилиш мумкин.

$$n(E_0, T) = 2 \int_{E_c}^{\infty} N_c (E - E_c)^{\frac{1}{2}} \rho(E_0, E, T) dE \quad (9)$$

$$p(E_0, T) = 2 \int_{-\infty}^{E_v} N_v (E_v - E)^{\frac{1}{2}} \rho(E_0, E, T) dE \quad (10)$$

Бунда, (4) дан аниқланган  $E_0$  параметрини вақтга нисбатан Ферми квазисатҳи деб қараш мумкин. (3) формула  $E_0$  энергияли сатҳдаги электронлар ионлашиб  $E$  энергияли сатҳни тўлиш эҳтимоллиги.  $E_0$  параметр  $T$ -харорат ва  $t$ -вақтга боғлиқ. Ва шу уни хароратга боғлиқ бўлмаган параметр деб ҳисоблашга имкон беради. Генерацияланиш вақт

давомийлигини идеаллаштириш билан  $T$ -ҳарорат учун мос равишда  $t$ -вақт олинса  $E_0$  ҳароратга боғлиқ бўлмаган параметр деб қараш мумкин. Бу ўз навбатида (9) ва (10) ларни  $E_0$  параметр бўйича дифференциаллаш имконони беради. Бундан келиб чиқадики (5) дан ўтказувчанлик ва валент зоналар учун ҳолатлар зичлигини аниқлаш формуласини олишимиз мумкин.

$$N_{s_c}(E_0, T) = 2 \cdot N_c \cdot \int_{E_c}^{\infty} (E - E_c)^{\frac{1}{2}} GN(E_0, E, T) dE \quad (13)$$

$$N_{s_v}(E_0, T) = 2 \cdot N_v \cdot \int_{-\infty}^{E_v} (E_v - E)^{\frac{1}{2}} GN(E_0, E, T) dE, \quad (14)$$

Яримўтказгичлар тақиқланган зонаси ҳолатлар зичлигини аниқлаш учун қуйидаги формула олинган.

$$\frac{\partial n(E_0, T)}{\partial E_0} = 2 \cdot N_c \cdot \int_{E_c}^{\infty} (E - E_c)^{\frac{1}{2}} \frac{\partial \rho(E_0, E, T)}{\partial E_0} \quad (11)$$

$$\frac{\partial p(E_0, T)}{\partial E_0} = 2 \cdot N_v \cdot \int_{-\infty}^{E_v} (E_v - E)^{\frac{1}{2}} \frac{\partial \rho(E_0, E, T)}{\partial E_0} \quad (12)$$

$$N_s = \sum_{i=1}^n N_{s_i} GN(E, E_0, T) \quad (15)$$


Бунда  $E_0 [E_v, E_c]$  интервалдаги қийматларни олади.

Шундай қилиб валент зона, тақиқланган зона ва ўтказувчанлик зонаси ҳолатлар зичлиги учун комбинациялашган моделини келтирамиз.

$$N_s(E_0, T) = 2 \cdot N_v \cdot \int_{-\infty}^{E_v} (E_v - E)^{\frac{1}{2}} GN(E_0, E, T) dE + \quad (16)$$

$$+ \sum_{i=1}^n N_{s_i} GN(E, E_0, T) + 2 \cdot N_c \cdot \int_{E_c}^{\infty} (E - E_c)^{\frac{1}{2}} GN(E_0, E, T) dE$$


бўлмайди. дискрет энергетик ҳолатларнинг умумий миқдори  $n$  сони билан берилади. Дискрет энергетик ҳолатлар яримўтказгич тақиқланган зонаси бўйича жойлашади, яни  $E_v < E_i < E_c$ . Бунда таъкидлаш лозимки, ўрта ҳаддаги қўшилувчи катталиқ  $N_{s_i}(E_i)$   $E_i$  энергияли дискрет энегетик ҳолатлар концентрацияси ҳароратга боғлиқ. Ушбу (16) формула билан энегетик ҳолатлар зичлигини валент зона, тақиқланган зона ва ўтказувчанлик зоналарини ҳисобга олган кенг энегетик диапазон учун ҳисоблаш мумкин. Моделнинг муҳим жихати шундаки, ундаги статстик функцияларни ҳароратга боғлиқлиги сақланиб қолади. Қайсики энергетик ҳолатлар зичлиги спектрига ҳароратни таъсирини аниқлашга ёрдам беради. Энергетик спектрларда лигерланиш миқдорини таъсирини аниқлашга ёрдам. Таклиф қилинган модель лигерланган яримўтказгичларда киришмалар ҳосил қиладиган энергетик ҳолатларни кенг энергетик диапазонда юқори аниқликда аниқлашга имкон беради (расм 1).




Расм 1. Кенг энергетик оралиқ учун яримўтказгичлар ҳолатлар зичлигини ҳароратга боғлиқлиги .

*Al-SiO<sub>2</sub>-Si* МОЯ-структура структура учун ЮЧ ва КЧ C-V характеристика асосида сирт ҳолатлар зичлиги спектри аниқланган (расм 2). Расмдан кўриниб турибдики хона ҳароратида спектр текис ва раван кўринишда. Экспериментал сирт ҳолатлар зичлиги спектрини формула (16) дан фойдаланиб қаторга ёямиз. Кейинги босқич назарий ёндаштирадиган сирт ҳолатлар зичлиги спектрини қуришда тадқиқ қилинаётган энергетик интервални бир нечта чекли майда интервалларга бўлиб чиқамиз ва  $N_{ss}(E_i)$  ни мос қийматларини киритамиз. Расм 2 да кўрсатилган услуб билан сирт

ҳолатлар зичлиги спектрига ёндаштиридган назарий олинган чизик келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики, хона ҳароратида чекли сонли (15) функциялар йиғиндиси билан узлуксиз кўринишдаги экспериментал сирт ҳолатлари зичлиги спектрига ёндашувчи назарий сирт ҳолатлари зичлиги спектрини қўриш мумкин. Бундан сўнг қийинчиликсиз ихтиёрий ҳарорат учун  $N_{ss}$  ни ҳисоблаш мумкин ва назарий сирт ҳолатлари зичлиги спектрини паст ҳароратдаги спектрини қўриш мумкин. турли ҳароратлар учун шундай йўл билан олинган графиклар расм 2 да келтирилган. Намуна реактор нейтронлари билан  $210^{11}$  ва  $1,2 \cdot 10^{12}$  нейтрон/см<sup>2</sup> дозада хона ҳароратида нурлантирилган.



Расм 2. *Al-SiO<sub>2</sub>-Si* сирт ҳолатлар зичлиги спектри




Расм 3.  $2 \cdot 10^{11}$  нейтрон/см<sup>2</sup> дозада нурлатилган Al-SiO<sub>2</sub>-Si сирт ҳолатлар зичлиги

Ҳар бир нурланишдан сўнг янги янги юқори частотали ва паст частотали  $N_{ss}(E, T)$  нинг қиймати  $C-V$ -характеристикалардан фойдаланиб аниқланган. Нурланишдан кейинги сирт ҳолатлари зичлиги ўзгаришини ўзига хослиги шундаки, турли энергияларда  $N_{ss}(E, T)$  турлича ўзгаради. Расм 3 да юқорида кўрсатилган услубда олиган  $210^{11}$  нейтрон/см<sup>2</sup> дозада нурлантирилган наъмунадаги  $N_{ss}(E, T)$  муносабат келтирилган. Расмдан кўришиб турибдики, сирт ҳолатлари зичлиги тақиқланган зонанинг юқори қисмида кўтариляпти, қуйи қисмида эса пасайиши кузатиш мумкин. Расм 3 да  $300 K$  ҳароратда олинган экспериментал график  $5 K$  да модел ёрдамида ҳисобланган  $N_{ss}(E, T)$  графиклари келтирилган. Сирт ҳолатлари зичлиги нотекис тақсимо ва унга нейтронли нурланиш таъсири ҳолатлари зичлиги спектрини ҳароратга боғлиқлиги модели ёрдамида қониқарли ҳолатда ифодаланади. Ўтказилган тадқиқотга кўра сирт ҳолатлари зичлиги аниқлашни янги методикасини тақлиф қилиш мумкин.

Худди шу усул билан Al-LaF<sub>3</sub>-n-Ge МДЯ – структурадаги дискрет ҳолатлари аниқланди. Сонли метод ёрдамида аниқланган дискрет спектрга қараб улар жойлашиши экспериментда аниқланган чуқур сатҳлар энергия интервали билан устма-уст эканлигини кўради. Уларнинг сони кўп эмас. Лекин шунини айтиш лозимки, раво спектр ёрдамида аниқланган энергетик ҳолатлардан ташқари дискрет спектр аниқланиши қийин бўлган майда энергетик ҳолатларни ҳам аниқлаш имконини беради.

Сирт ҳолатлари зичлигини олиш экспериментларида тақиқланган зона чегарасида ўлчаш ишлари мраккаблашади ва ахборот етарли бўлмайди. Тақиқланган зона чегарасидаги сирт ҳолатлари зичлиги аниқланмай қолади. Экспериментал ва назарий олинган сирт ҳолатлари энергетик спектрларни биргаликда кўрилишида тақиқланган зонада зоналар чегарасида қўшимча энергетик ҳолатлар етишмаслиги аниқланди (расм 4а). Тақиқланган зонада зоналар чегарасида қўшимча энергетик ҳолатлар қўшилиши билан назарий



Расм 4. Сирт ҳолатлар зичлиги модели

олинган спектри сирт ҳолатлари зичлиги спектри билан ёндашади (расм 4а). Шундай қилиб, энергетик спектрларни ҳароратга боғлиқлигини модели ёрдамида сирт ҳолатлари зичлиги экспериментал равоон спектр маълумотлардан дискрет ҳолатлар зичлиги тақиқланган зонада зоналар чегарасида жойлашган энергетик ҳолатларни аниқлаш мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби “Термодинамик ҳолатлар зичлигини ҳароратга боғлиқлиги ва Урбах қондаси” деб номланган. Одатда узун тўлқинли нурни фундаментал ютилиш чегарасидаги ютилиш коэффициенти Урбах қондаси ёрдамида келтирилади.

$$\alpha = \alpha_0 \exp\left(\gamma \frac{h\nu - E_g}{E}\right) \quad (17)$$


бунда  $\alpha_0 \gamma$ -қиёсий холда секин ўзгарадиган, частотага боғлиқ функция,  $E$ -паст ҳароратда ўзгармас, юқори ҳароратда  $kT$ га пропорционал бўлган энергияни белгиловчи катталиқ. Экспериментал қийматларни тахлилидаги асосий фаразлардан бири шуки, яримўтказгич тақиқланган зонадасидаги нурни ютилиш коэффициенти ҳолатлар зичлиги  $N_s(E, T)$  аниқлайди.

$$\alpha = B \cdot N_s(E, T) \quad (18)$$


бунда  $B$ -қиёсий холда секин ўзгарадиган, частота ва ҳароратга боғлиқ функция. Яриўтказгичларда нурни экспотенциал ютилиши чегарасини тушинтирадиган ҳар қандай модель, уни ҳароратга боғлиқлигини ҳам тушунтириши шарт. Термодинамик ҳолатлар зичлигини  $N_s(E, T)$  моделидан фойдаланамиз. Термодинамик ҳолатлар зичлигини ўзгаришини ҳарорат ортиб боришида кўриб чиқамиз. Бунинг учун биз термодинамик ҳолатлар зичлигини (16) формула бўйича қаторга ёйамиз. Расм 5 да термодинамик ҳолатлар зичлиги  $N_s(E, T)$  ни турли ҳароратлар учун графиклари кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, паст ҳароратларда ўтказувчанлик зона чегараси ва дискрет сатҳлар ўзоро энергетик тирқиш билан ажралади (расм 5 1 ва 2 чизиқлар). Бу ҳолатда ҳароратдан кенгайиш сезиларсиз, ва  $E_1, E_2$  дискрет ҳолатларга ҳамда ўтказувчанлик зонаси равоон сатҳларига тасир этмайди.



Харорат ортиши билан ўтказувчанлик зонаси термодинамик ҳолатлар зичлигини ҳароратдан кенгайиши ҳисобига тақиқланган зона ичкарасига кириб боради. Тақиқланган зонадаги алоҳида дискрет ҳолатлар орасидаги энергетик соҳа ўтказувчанлик зонасидан ва  $E_1$ ,  $E_2$  дискрет сатҳлардан қўшилган янги сатҳлар билан тўлиб боради. Сонли экспериментлар ёрдамида  $N_s(E, T)$  ни ҳароратга боғлиқлигини таҳлил қиламиз. Турли ҳароратлар учун ҳисоб ишларини қиламиз. Натижаларни график тасвирлаймиз. Ҳарорат кўтарилиши билан ўтказувчанлик зонасидан қўшиладиган сатҳлар ҳиссаси дискрет ҳолатларнинг кенгайиши билан боғлиқ бўлган сатҳлар ҳиссасига қараганда анчагина кучлироқ ўсиб боради. Бунда  $E_1$  ва  $E_2$  сатҳлар бутун тақиқланган зона бўйича ёйилади ва ўтказувчанлик зонасидан қўшиладиган сатҳлар билан аралашиб кетади.



**Расм 5. Турли ҳароратлар учун термодинамик ҳолатлар зичлигини ҳароратга боғланиш модели.**



(-) модель, (◇)-правило Урбаха (17). 1-100К., 2-200К., 3-300К., 4-400К., 5-500К., 6-600К.

**Расм 6 Турли ҳароратлар учун термодинамик ҳолатлар зичлигини ҳароратга боғланиш формуласи графиги.**

Бу ҳолат ўтказувчанлик зонасидаги ўта кўп ( $10^{23} \text{эВ}^{-1} \text{см}^{-3}$ ) миқдордаги сатҳларнинг ҳароратли кенгайиши ҳисобидан юзага келади. Ўтказувчанлик зонасидаги. Расм 6 да (экспоненциал масштаб) тақиқланган зонада локаллашган ҳолатлар бўлмаган ҳолда термодинамик ҳолатлар зичлиги графиги келтирилган. Расм 6а ва расм 6б даги график таққослаш дискрет ва раво ҳолатларни термодинамик ҳолатлар зичлиги шаклланишидаги роли нисбий эканлигини кўрсатиб турибди. Ушбу натижалар нур ютилиши коэффициентини узун тўлқинли чегарасини таҳлил қилишда қўл келиши мумкин. Шундай қилиб, термодинамик ҳолатлар зичлигини ҳароратга боғлиқлиги ягона позициядан туриб яримўтказгичларда фундаментал ютилиши коэффициентининг узун тўлқинли чегарасини тушунтириб бериши мумкин. Урбах қоидаси яримўтказгичларнинг ўтказувчанлик ва валент зоналарнинг термик кенгайиши ҳисоби билан белгиланади.

Диссертациянинг **“Яримўтказгич тақиқланган зонасини кенглигини ҳароратга боғлиқлиги спектрини аниқлаш”** деб номланган тўртинчи бобда таклиф этилган модель ёрдамида *Si* ва *Ge* яримўтказгичларни тақиқланган зонасини ҳароратга боғлиқлиги спектрлари аниқланди ва тадқиқ қилинди. Нокристал материялар учун электронлар ҳолатлари зичлиги концепцияси ўша даражада кристал материялар учун ҳам мос келади. Тақиқланган зонадаги ҳолатлар масаласи муҳим аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Ушбу модельда зоналар думи соҳасига тўғри келувчи энергияда “ҳаракатчанлик чегараси” тушунчаси киритилди. Ҳаракатчанлик чегараси илгарроқда Мотт томонидан киритилган локаллашган ва локаллашмаган ҳолатларни ажратувчи критик энергияларга мос келади. Ўтказувчанлик ва валент зонадаги ҳаракатчанлик чегаралари энергиялари фарқи “ҳаракатчанлик бўйича тақиқланган зона” деб аталади. Тақиқланган зона чегаралари  $E_c$  ва  $E_v$  энергияга мос келувчи ҳолатлар зичлиги қийматини  $N_k$  орқили белгилаймиз. У ҳолда тақиқланган зона чегаралари энергиялари қуйидаги транцендент тенглама ечимидан аниқланади:


$$N_s(E_0, T) = 2 \cdot N_v(T) \cdot \int_{\infty}^{E_v} (E_v - E)^{\frac{1}{2}} GN(E, E_0, T) dE + \sum_{i=1}^n N_{s_i}(E_i) GN(E, E_0, T) + 2 \cdot N_c(T) \cdot \int_{E_c}^{\infty} (E - E_c)^{\frac{1}{2}} GN(E, E_0, T) dE = N_k \quad (19)$$

Берилган учун тенглама (19) ни сонли ечимини топишда тақиқланган зона чегаралари атрофида ҳароратга боғлиқ бўлган иккита ечим аниқланади,  $E_c(T)$  ўтказувчанлик ва  $E_v(T)$  валент зона чегарасида. У ҳолда танланган ҳароратда тақиқланган зона кенглиги  $E_g(T)$ ,  $E_c(T)$  ва  $E_v(T)$  лар айирмаси билан аниқланади.


$$E_g(T) = E_c(T) - E_v(T) \quad (20)$$

$N_k$  нинг қиймати эксперимент натижаларидан аниқланади. Икки хил ҳарорат  $T=0 \text{ К}$  ва  $T=300 \text{ К}$  учун  $E_g(T)$  нинг қиймати мос равишда,  $E_g(0) = 0.74 \text{эВ}$  ва  $E_g(300) = 0.66 \text{эВ}$  эВ. Энаргетик ҳолатларнинг жойлашиши қуйидагича бўлсин,


$E < 0$  ҳолатига валентн зона ва  $E > E_g(0)$  ҳолатига ўтказувчанлик зоналарда энергетик ҳолатлар зич жойлашган, энергетик ҳолатлар мавжуд бўлмаган  $0 < E < E_g(0)$  тақиқланган зона. Энди муносабат (19)дан  $E_g(300) = 0.66$  эВ ҳолатига  $N_k$  ни аниқлаймиз. Бошланишига тақиқланган зонада дискрет ҳолатлар мавжуд эмас деб қараймиз (расм 7). Тақиқланган зона кенглигини ўзгариш модели билан сонли таҳлил ўтказамиз. Расм 8 да  $10\text{ K} - 300\text{ K}$  ҳарорат оралиғи учун тақиқланган зона кенглигини ҳароратга боғлиқ ўзгариши кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, юқори ҳароратларда назарий олинган тақиқланган зона кенглигини ҳароратга боғлиқ ўзгаришини оптик ўлчашлар ёрдамида олинган тақиқланган зона кенглигини ҳароратга боғлиқ ўзгариши эксперименти натижалари билан мос келади. Назарий ва экспериментал натижаларнинг тўла мос эмаслиги турли сабаблар билан тушунтирилади. Бу ҳолат тақиқланган зона кенглигини ҳароратга боғлиқ ўзгаришига сабаб бўладиган бир нечта механизмларнинг биргаликдаги таъсири натижаси бўлиши мумкин. Биз масалани соддалаштиришда энергетик ҳолатларнинг термик кенгайиши таъсирини қолдириб бошқа таъсир механизмларни инобатга олмай тураемиз. Тақиқланган зонадаги дискрет ҳолатларни тақиқланган зона кенглигини ҳароратга боғлиқ ўзгаришига таъсирини кўриб чиқамиз. Масалани соддароқ ҳолатда, тақиқланган зонада ўтказувчанлик зонаси туби яқинида учта  $E_1, E_2, E_3$  ва валент зонаси шипи яқинида  $E_4, E_5, E_6$  учта энергетик ҳолатлар мавжуд деб қараймиз(расм 9). Бу ҳолатда ҳам тақиқланган зона кенглигини ҳароратга боғлиқ ўзгариши юқорида кўрилган каби аниқланади. Расм 10 да назарий ҳисобланган  $E_g(T)$  тақиқланган зона кенглигини ҳароратга боғлиқ ўзгариши (яхлит чизик) ва экспериментал натижа (пунктир чизик) лар келтирилган. Паст ҳароратда тақиқланган зона кенглигини ҳароратга боғлиқ ўзгариши графиги чизикли ҳолатидан четлашади.




Расм 7. турли ҳароратлар учун ҳолатлар зичлиги спектри, дискрет ҳолатлар йўқ.



Расм 8.  $E_g(T)$  – тақиқ зонасини ҳароратга боғланиш графиги



**Расм 9. Турли ҳароратлар учун ҳолатлар зичлиги спектри, дискрет ҳолатлар мавжуд.**




**Расм 10. Тақиқланган зонасини ҳароратга боғланиш графиги, дискрет ҳолатлар мавжуд.**

Назарий ҳисобларда бу четлашиш биз тақиқланган зонага қўшимча дискрет ҳолатларни киритганимиздан сўнг содир бўлди. Охирги кўрилган расм га кўра,  $E_g(T)$  нинг назарий натижалари эксперимент натижалари билан яхши ҳолатда келишади. Бундан хулоса қилиб,  $E_g(T)$  тўғри чизиқни паст ҳароратда паст энергия томон эгриланиши ярмўтказгич тақиқланган зона чегаралари яқинида қўшимча дискрет ҳолатлар мавжудлиги натижасида содир бўлади. Тақиқланган зона кенглигини ҳароратга нисбатан ўзгариши жараёни модели билан сонли тахлили тақиқланган зона кенглигини ҳароратга боғлиқлиги намунанинг зоналаридаги энергетик ҳолатларнинг тақсимотига боғлиқ бўлишини кўрсатди. Тақиқланмаган зоналар яқинидаги тақиқланган зонага қўшимча дискрет ҳолатларни мавжудлиги тақиқланган зона кенглигини ҳароратга нисбатан ўзгариши чизиғи чизиқли ҳолатдан четлашишига олиб келади. Паст ҳароратларда  $Ge$  тақиқланган зона кенглигини кичик энергия томонга эгриланиши содир бўлади (расм 10).

Назарий олинган тақиқланган зона кенглигини ҳароратларга боғлиқлиги натижалари экспериментал натижалар билан катталиклар даражасига кўра устма-уст тушади. Бундан келиб чиқадики, ўтказувчанлик ва валент зонадаги энергетик ҳолатларнинг термик кенгайиши тақиқланган зонани сезиларли даражада ўзгартириши мумкин ва ҳолатга таъсир этувчи бошқа мавжуд механизмлар билан биргаликда яримўтказгичларда тақиқланган зона кенглигини ҳароратларга боғлиқлигини тушунтириб беради.

Таклиф этилган модел ёрдамида тақиқланган зона кенглигини ҳароратларга боғлиқлиги тушунтиришга уриниб кўрамиз. Агар ҳар бир яримўтказгич материал учун ўзининг тақиқланмаган зоналарда индивидуал энергетик ҳолатлар концентрациясини белгиловчи  $n_m$  маълум бўлсин.



$N_{k1}, N_{k2}$ -критическая концентрация.  $T_1 < T_2$ -температура.


**Расм 11. Тор зонали яримўтказгичлардаги ҳолатлар зичлиги спектрини математик модели.**

$n_m > n_0$  тақиқланган зона энергетик ҳолатлар концентрацияси. Турли хил  $n_m$  учун (турли материаллар) ҳолатида таҳлил ўтказамиз. Олдинги таҳлилларга таянган ҳолда 11 расмда даги график  $E = E_0$  ёки  $E = E_c$  ҳолда ҳароратга таъсирчанлиги кам бўлган концентрацияни  $n_k$  деб оламиз ва бу  $n_k = n_m / 2$  га тўғри келади (ҳар бир материалда алоҳида).  $n_m > 2n_0$  ва  $2n_0 > n_m > n_0$  ҳолатида  $n_k$  нинг  $n_0$  на нисбатан жойлашишини кўриб чиқайлик. Қуйида расм 11 бу икки ҳолат келтирилган.

Биринчи  $n_m > 2n_0$  ҳолат  $n_k$  нуқта  $n_0$  дан юқорида жойлашган. Расмдан кўриниб турибдики, ҳарорат ошиши билан графикнинг  $n_k$  дан юқори қисми тақиқланмаган зона томонга қараб кенгайиб бормоқда графикнинг  $n_k$  дан қуйи қисми эса кенгайиб бормоқда. Хосил бўлган  $\Delta E$  га тақиқланган зона томонга қараб кўчиш кўриниб турибдики, бошқача қилиб айтганда ҳарорат кўтарилиши билан тақиқланган зона кенглиги камаймоқда.

Иккинчи ҳолат  $2n_0 > n_m > n_0$   $n_k$  нуқта  $n_0$  да пастда жойлашган. Расм 12 даги графикларни кўринишига қараб, ҳарорат ортиши билан  $n_k$  дан юқори қисми тақиқланмаган зона томонга қараб кенгайиб бормоқда графикнинг  $n_k$  дан қуйи қисми эса кенгайиб бормоқда. Кўриниб турибдики хосил бўлган  $\Delta E$  кўчиш тақиқланмаган зона томонга қараб бормоқда. Бошқача қилиб айтганда тақиқланмаган зона томонда  $[E_1, E_0]$  ( $E_1 < E_0$ ) оралиқда концентрацияси  $n_0$  дан кичик бўлган  $\Delta E = E_0 - E_1$  намоён бўлади.

Бу ҳарорат кўтарилиши билан тақиқланган зона кенгайишини билдиради. Бундан муҳим бўлган хулосага келиш мумкин. Ҳарорат кўтарилиши натижасида яримўтказгичларда тақиқланган зона кенгайади ёки торайади. Ва бу экспериментлар билан тасдиқланган.



—  $m_p^* = const$ , —  $p\text{-Bi}_{0.7}\text{Sb}_{1.3}\text{Te}_{2.93}\text{Se}_{0.07}$ ,  $\cdots$   $p\text{-Bi}_{0.6}\text{Sb}_{1.2}\text{Te}_{2.91}\text{Se}_{0.09}$ , - - -  $p\text{-Bi}_{0.5}\text{Sb}_{1.5}\text{Te}_{2.91}\text{Se}_{0.09}$

**Расм 12. яримўтказгич аралашма  $p\text{-Bi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_{3-y}\text{Se}_y$   $E_g(T)$ – тақиқ зонасини ҳароратга боғланиш графиги.**

Агар қурилган модель ўтказилган экспериментларни тушинтирса, у ҳолда ҳарорат кўтарилиши билан яримўтказгичларда тақиқланган зона кенгайиши ёки торайиши тақиқланмаган зонадаги энергетик ҳолатлар концентрациясинига боғлиқ. Яримўтказгичлардаги тақиқланмаган зонадаги энергетик ҳолатлар зичлиги концентрацияси  $n_m > 2n_0$  бўган ҳолатда термик кенгайиш тақиқланган зона кенглигини торайишига олиб келади, энеретик ҳолатлар концентрацияси  $2n_0 > n_m > n_0$  бўган ҳолатда тақиқланган зона кенглигини кенгайишига олиб келади. Бунда  $n_0$  – Яримўтказгичдаги тақиқланган ва тақиқланмаган зоналар чегарасини белгиловчи энеретик ҳолатлар концентрацияси.

Таклиф этилган моделдан фойдаланиб эффектив массани ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда  $p\text{-Bi}_{2-x}\text{Sb}_x\text{Te}_{3-y}\text{Se}_y$  қаттиқ эритма тақиқланган зона кенглигини ҳароратга боғлиқлиги спектри олинди ва эксперимент натижалари билан солиштирилди 12 расм. Солиштиришга нисбатан фойдаланилган модель тажрибани тушунтира олади дейиш мумкин.

Диссертациянинг “**Кучли лигерланган яримўтказгичлар ва яримўтказ-гичли қоришмалар энергетик спектрлари**” деб номланган бешинчи бобида яриўтказгичларла тақиқланган зона кенглигини легирлаш даражасига боғлиқ ўзгариши тадқиқ қилинган. Яримўтказгичлар кристалл панжарасига кичик миқдорда қоришмалар киритиш тақиқланган зона кенглигини ўзгартирмайди ва электронларнинг энергетик спектрига тасир кўрсатмайди. Фақатгина тақиқланган зонада дискрет ҳолатлар пайдо бўлади. Агар қоришмалар киритиш миқдори етарлича катта бўлганда энергетик спектрлар ва кристалл тақиқланган зонаси ўзгаради. Кучли лигерланган яримўтказгичларда заряд ташувчиларни қоришма атомлари

